Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 5 июль, сешанба № 111 (21.715). Сотувда эркин нархда:

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

4 июль куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Исроил давлати ташқи ишлар вазири Шимон Пересни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳондаги барча давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки самаралари тўғрисида сўзлаб берди. Исроил ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшажагига умид билдирди.

— Ўзбекистон билан Исроил ўртасида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштириш соҳасида қилинаётган биргаликдаги амалий тажрибалар диққатга сазовордир, — деди юртбошимиз.— Жаҳонда пахта экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда турган Ўзбекистон учун пахта етиштиришда ҳосилдорликни бизга нисбатан 2—2,5 баробар оширишга эришган исроилликларнинг бу борадаги илғор технологиясини ўрганиш фойдалидир.

Шимен Перес Исроил давлати Президенти Исҳоқ Рабиннинг эзгу тилакларини етказар экан, самимий қабул ва меҳмоннавозлик учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида келгусида Ўзбекистон билан Исроил ўртасида соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, енгил саноат каби соҳалар бўйича ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мутахассислар алмашлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Яқин Шарқда тинчликни барқарорлаштириш жараёни мазкур минтақадаги барча давлатлар ўртасида яқин қўшничилик муносабатларининг тикланишига сабаб бўлажагига ишонч билдирилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов, республика ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов қатнашди.

Учрашувда Исроил давлатининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Израиль Мей-Оми ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес 4 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида қишлоқ хўжалиги, паррандачилик, тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш истиқболлари ҳақида фикрлашилди. Таклиф этилган режалар бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

* * *

Шу куни исроиллик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилинди.

Самимий суҳбатдан сўнг Саидмухтор Саидқосимов ва Шимон Перес Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Исроил ҳукумати ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, сайёҳлик борасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимларни ҳамда икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ НОЕБ ВА ЭНГ МУҲИМ ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ҲОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажарганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашаётгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Абдурахмонов Абдусобир — «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли «Тошмахсусбезакқурилиш» трести 28-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси

Тригулов Ренат Нурмиевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Шоюсупов Мирали Шоюсупович — «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли 12-трест 49-қурилиш бошқармасининг бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Аҳмедов Илҳом Асқарович— «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли 93-махсус трест «Энергомонтаж» Тошкент монтаж бошқармасининг иш бошқарувчиси

Булатов Абдурахмон Галиевич — «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли 4-қурилиш трести 39-қурилиш бошқармасининг бригадири

Мадаминов Имомали — «Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли Ғазалкент тош йўниш комбинатининг бош муҳандиси

Маматниёзов Тўхтар Қосимович — «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати 26-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси

Степанов Сергей Георгиевич — «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли ҳажмли блок уйсозлиги тажриба комбинатининг бош директори

Султонов Абдушукур Халилович — республика «Ўзсантехгазмонтаж» ихтисослаштирилган трестига қарашли 2-монтаж бошқармасининг бригадири

Ҳодиҳўжаев Тоҳирхўжа— «Тошкентқурилиш» давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли «Тошмахсусбезакқурилиш» трести 28-қурилиш бошқармасининг дурадгори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 4 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат, айниқса, дон маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаши тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорларини сидқидилдан қўллаб-қувватлаб ҳаётга татбиқ этаётган вилоятимиз ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик режасини муддатидан аввал бажардилар.

Мавжуд 43 минг гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан қариб 36 центнердан ҳосил олиниб, 55 минг тонна сара дон давлат омборларига топширилди.

Меҳнат ғалабасига йиллик маррани биринчилардан бўлиб эгаллаган Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ ва Задарё, шунингдек Чуст, Поп, Косонсой, Тўрақўрғон, Норин, Янгиқўрғон туманлари муносиб ҳисса қўшди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил Наманган, Учқўрғон ва Норин туманларида 41—43 центнерга етди.

Вилоятдаги кўплаб хўжаликлар давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан бажарди. Ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил олишга эришган Учқўрғон туманининг «Қайқиобод», «Ўзбекистон», Наманган туманининг «Зарбдор», «Хонобод», Уйчи туманининг Навоий номидаги, «Ғайрат», Чортоқ туманининг «Москва», Косонсой туманининг Худойбердиев номидаги хўжаликлари шулар жумласидандир.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Ғаллакорларимиз экиш, ҳосилни парваришлаш ва йиғиштириб олиш жараёнида Сиз ва ҳукуматимиз кўрсатган ғамхўрликларни ҳар қадамда ҳис этиб турдилар. Айниқса, доннинг харид нархини ошириш тўғрисидаги қарорлар қишлоқ меҳнаткашларини янада руҳлантириб юборди. Шу сабабли мавсум уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунинг учун вилоятимиз меҳнат аҳли номидан чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Биз жонажон мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мақсадида режадан ортиқ 25 минг тонна дон сотиш ва жами ҳосилни 80 минг тоннага етказишга азму қарор қилдик. Бу режа ҳам қисқа фурсатда бажарилади.

Наманган вилояти ҳокими

Б. РАПИҒАЛИЕВ.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наманган вилояти ғаллакорларини меҳнат ғалабаси билан қутлаб, табрик йўллади.

Бухоро шаҳридаги И. Фозилов номли трикотаж фабрикасининг илғор тикувчиси, Ёшлар Иттифоқининг аъзоси Ҳикоят Жўраева тўққиз йилдан бери ишлаб келмоқда. У ўзининг ишчанлиги билан барча тенгдошларига ўрнак. Шу боис у тикаётган болалар кийим-кечаклари ўзининг нафислиги билан харидорларга манзур бўлаётир. Ҳикоят ойлик режаларини 115—120 фоизга сифатли қилиб бажариб келмоқда.

Х. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛАР ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги 988-XII-сон қарорини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги ва «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги Фармонларини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиладик

1. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика шароитида амалда синаб кўрилганлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур низомни 1994 йил 1 ноябргача тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 1994 йил 1 октябргача республика шаҳарлари, шаҳарчалари ва бошқа аҳоли яшаш жойларидаги ерларни комплекс иқтисодий баҳолашни амалга оширсинлар ҳамда материалларни Вазирлар Маҳкамасига ва Давлат мулки қўмитасига тақдим этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда ер участкаларининг хусусий мулк қилиб сотилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

4. Хусусий мулк қилиб берилмайдиган ерлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари В. А. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1994 йил 4 июль.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛАР ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги 988-XXII-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги ва «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги Фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари ҳақида декларация талаб қилмаган ҳолда, хусусий мулк қилиб сотиш Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг белгиланган тартибига ва мазкур низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш танлов бўйича ёки кимошди савдоларида амалга оширилади.

Сотиш Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тегишли ҳокимликлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ва ер участкаларини хусусий мулк қилиб сотиш ҳақидаги қарорлари тақдим этилганидан кейин қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

4. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан янги мулк эгаси ўртасида объектнинг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш тўғрисида шартнома тузиш танлов ёки кимошди савдосининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Мулк эгаси томонидан объектнинг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш ҳақида тузилган шартноманинг шартлари бузилганда объект Давлат мулки қўмитаси томонидан дастлабки нарх бўйича қиймати тўланган ҳолда олиб қўйилади, ер участкаси эса унинг қиймати тўланмасдан олиб қўйилади.

5. Вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари тегишли ҳудуд бўйича қурилган ва чала қурилган майдонлардаги ер участкаларининг чегараларини (контурларини) натура тарзида белгилаб берадилар ҳамда сотувчига (Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасига) ана шу майдонларнинг ўлчамини тасдиқловчи ҳужжатларни берадилар. Бунда ер майдони савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг сотиб олинаётган объекти санитария ва технологик жиҳатдан фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган минимал ўлчамдан ошмаслиги зарур.

6. Ишлаб турган ва қурилиши тугалланмаган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика кўчмас мулк биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 29 апрелдаги 228-сон қарорига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси ҳамда тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимланади.

7. Танлов ёки кимошди савдоси ғолибига Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан уни кейинчалик тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси берилади.

8. Турар жойларда ёки маъмурий биноларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари банд қилган ер участкалари хусусий мулк қилиб сотилмайди.

9. Ер участкаларига табақалаштирилган бошланғич (дастлабки) нархларни белгилаш мақсадида бу участкалар қаерда жойлашганлигига, муҳандислик коммуникацияларни билан таъминланганлигига, архитектура ва бошқа хусусиятларига боғлиқ равишда тегишли шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларнинг қарорлари билан минтақалар ҳудуди қуйидаги зоналарга бўлинади:

Тошкент шаҳрида — 14 зонага;

вилоят марказларида ҳамда аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда — 4 зонага;

аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган шаҳарларда — 3 зонага;

шаҳарчаларда — 2 зонага.

10. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари ер участкалари билан биргаликда танлов бўйича ва кимошди савдосида хусусий мулк қилиб сотилаётганда объектнинг ва ер участкасининг нархини ўз ичига олган ягона бошланғич нарх белгиланади.

11. Ер майдони бирлигининг бошланғич нархи Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида» 1993 йил 31 декабрдаги 615-сон қарори (6-илованинг 1, 2-жадваллари ва 3-жадвалидаги 2 устун) билан тасдиқланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан олинадиган ер солиғи ставкасининг 50 баравари миқдорида белгиланади.

Бозор шароитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ер майдони бирлигининг бошланғич нархига оширувчи коэффициентлар жорий этилиши мумкин.

Архитектура ёдгорликларига эга бўлган шаҳарларда уларга яқин жойлашган ер участкаларининг бошланғич нархи 3 баравар кўпаяди. Оширилган бошланғич нархлар белгиланадиган зоналарнинг чегаралари тегишли шаҳарлар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшаш жойлари бўйича танлов орқали ва кимошди савдосида сотиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари учун мўлжалланган ер участкаларининг бошланғич нархини мазкур низомга мувофиқ белгиланган тартибда аниқлайди ва тасдиқлайди.

13. Битишувларни ёхуд ер участкаларини хусусий мулк қилиб сотиш шартларини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги низолар тегишли суд томонидан кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова

ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ БЕРИЛМАЙДИГАН ЕРЛАР РЎЙХАТИ

Умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, истироҳат боғлари, скверлар, хиёбонлар, ҳовузлар, пляжлар ва бошқалар).

Табиат ёдгорликлари, ботаника боғлари ерлари.

Соғломлаштириш ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш учун берилган ерлар.

Хавфли моддалар билан заҳарланган ва биоген заҳарланишга учраган ерлар.

Шаҳарларни ривожлантириш бош режаларида, мукаммал режалаштириш лойиҳаларида ва объектларни (савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан ташқари) жойлаштириш схемаларида назарда тутилган ерлар.

Магистрал йўлларга туташ ерлар.

Электр қуввати узатиш линиялари, кабел линиялари ва подстанциялар, иссиқлик, водопровод ва канализация трассалари ҳамда газ қувур лари, умумдавлат алоқа линиялари учун ажратилган ерлар ва улардаги иншоотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ю. Н. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юсуф Неъматович Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 2 июль

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БАЙРАМИ

КЕЧА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 218 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Бу байрам тантаналари жаҳон футбол беллашувининг қизиқарли ўйинлари билан ҳам ўзига хос файзли бўлди. Жаҳон чемпионати ўйинларини томоша қилаётган юз минглаб ишқибозлар ҳам байрам тантаналаридан баҳраманд бўлдилар. Мамлакат терма командасининг ним чорак ўйинларида Бразилия ўйинчилари билан учашуви мустақиллик кунининг гўзал томошасига айланди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги яхши дўстлик алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Мамлакат Президенти Билл Клинтон Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларни кенгайтириш истиқболлари ҳақида Оқ уйда ўтказилган тадбирда сўзлаб, ўзининг фикрларини изҳор этди. Президент Ўзбекистон ҳукумати ва халқини демократия ва бозор иқтисодиётига ўтишда машаққатли курашини барча америкаликлар номидан тўлиқ қўллаб-қувватлайман, деди. Сизнинг ёш мамлакатингиз фуқаролари олдида мураккаб вазифалар турибди. Лекин озодлик, демократия ва мустақилликни таъминлаш ва унинг кўплаб самараларидан фойдаланишда уларнинг бебаҳо имкониятлари бор. Бу йўлда америкаликлар дўстлар ва шериклар сифатида сизлар билан бир сафда эканликларини ҳамиша ёдда тутишингизни истайман.

Америка Қўшма Штатларининг мустақиллик байрами муносабати билан бу мамлакатнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк Тошкентда ўтказилган маросимда иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирди. «Қўшма Штатлар Ўзбекистон мустақиллигини қатъий қўллаб-қувватлайди ва ўзининг мустақил қарорларини қабул қилишдаги ҳуқуқларини ҳурмат қилади».

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида АҚШ билан алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканлигини изҳор этмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги мавжуд ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқда.

1994 йилгача Ўзбекистон Республикасида Америка компанияларининг 8 та ваколатхонаси ва 101 та Америка-Ўзбек қўшма корхонаси рўйхатдан ўтказилди. Американинг «Ньюмонт майнинг корпорейши», «М. В. Кэллог компани» ва бошқа машҳур компаниялари ўзбек корхоналари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Партия ахборот

НАВБАТ — АМАЛИЙ ИШГА

● Пискент туман партия кенгашининг навбатдаги пленуми кун тартибига маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўрганиш ва кенг оммага тушунтириш юзасидан бошланғич ташкилотларнинг вазифаларини белгилаб олиш масаласи қўйилди.

Ушбу масала атрофлича муҳокама этилиб, амалий иш юзасидан тегишли фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилгач, ташкилий масала кўриб чиқилди. Туман партия Кенгаши биринчи котиби Ҳимайдулла Акромов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига туман ҳокимиятида умумий бўлим мудири бўлиб ишлаётган Баҳодир Ниёзов сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ўктамжон Турғунов нутқ сўзлади. Шунингдек, ушбу анжуманда туман ҳокими Абдумутал Шерматов қатнашди.

ИШ ЎРГАНГАН ЕТАР МУРОДГА

● Туб иқтисодий ислоҳот талаблари ҳар бир ХДП аъзосидан тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Пискент туманидаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Ҳва номли халқ корпорацияси тажрибаларини ўрганиш ва ўз ҳудудларида татбиқ этишга аҳд қилдилар.

Котиблар корпорацияда бўлган чоғларида иш юритишнинг янги услублари, саноатлашаётган қишлоқ аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий аҳволи ҳамда унумли ишлаётган замонавий технология билан яқиндан танишдилар. Цехлар, фабрикаларда, деҳқончилик ва чорвачилик мажмуида фаолият кўрсатаётганлар меҳнати ҳамда пировард натижаларга юқори баҳо бердилар. Иш ўрганиш жараёни сўнгида корпорация президенти, иқтисод фанлари доктори Турғун Мадиёров қилинаётган ишлар юзасидан котибларга кенг ахборот берди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *БИЗНИНГ СУҲБАТ*

ИСТИҚЛОЛ ПАРЛАМЕНТИ

Халқдан куч олади, халққа хизмат қилади!

Мустақил мамлакатимиз ҳуқуқий давлат сари муҳим қадам қўйди: республикамизнинг биринчи Конституцияси умумхалқ томонидан тўла маъқулланиб, якдиллик билан қабул этилгани, сайлов ҳуқуқининг тубдан ислоҳ қилингани — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» Қонун қабул этилгани мамлакатимизнинг конституциявий асослари мустаҳкамланганидан яққол далолатдир.

Энди мамлакатимизда парламент ва жойлардаги вакиллик органларига кўп нарса боғлиқлиги ҳаммамизга равшан бўлиб турибди. Шу боисдан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида» Қонуннинг қабул этилиши давлатчилигимизнинг ҳуқуқий маданиятига жон бағишлайдиган, халқнинг ҳоҳиш-иродасига мос ва хос янги, қудратли омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Шунинг учун сайловлардаги ғалаба кўп жиҳатдан унга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўришга боғлиқлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари етакчиларининг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари қандай?

Мулоқотимизни ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби Азамат ФАЕЗОВ шундай бошлаб берди:

— Партия кенгаши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун матбуотда эълон қилиниши биланоқ уни кенг аҳолига тушунтириш ишларини бошлаб юборди. Ахир, келгусида қилинадиган ишлар ва вазифалар аниқ-равшан бўлгач, буни кечиктириб ўтиришга не ҳожат? Ҳамма туманларда биринчи галда фаолларимизнинг ўқишини ташкил қилдик. Бизга бу борада Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VIII пленумида айтилган фикрлар катта куч берди. Маърузачи — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов унда шундай деган эди: «Партиямизнинг йўлини тушунтириш бўйича сайловчилар билан алоқаларни кучайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари асосида сайловолди тадбирларини белгилаш зарур.

Сайловчилар билан ишлаш учун ташвиқотлар гуруҳларини ҳозирданоқ тайёрлаш талаб этилади. Энг асосийси: халқ ўртасида обрў орттирган ва ҳурматга эга бўлган партиямиз аъзоларини яхшироқ билишимиз, улардан энг муносибларини депутатликка номзод этиб кўрсатиб, партиявий рўйхатга киритишимиз лозим. Сайловчиларнинг, айниқса, ёшларнинг фикрини ўрганишда, Наманган вилоят партия кенгашида ўтказилганидек, социологик тадқиқот, сўров ўтказишни тавсия қиламиз».

— Марказий Кенгаш тавсияси билан иш ташкил қилиб, депутатликка номзодларни ҳозирдан аниқлашда одамлар фикрини ўрганаётганларингиз таҳсинга лойиқ иш. Айтингчи, бўлажак сайлов олдидан тушунтириш — ташвиқот гуруҳи ҳам тузганмисизлар?

— Вилоятда олимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ва бошқа фаоллардан ибораат гуруҳ тузганмиз. Улар жойларда изчил режа асосида учрашувлар ташкил этишяпти. Биз ҳозир ҳар бир сайлов участкасида партия аъзолари рўйхатини оляпмиз. Мақсад — ўша жойларда ҳам тарғибот-тушунтириш гуруҳларини ташкил қилишдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу бизга сайлов комиссияларига аъзо бўлиб кириши мумкин бўлган, бизга ХДПга ҳайриҳоҳ кишиларни аниқлаш имконини беряпти.

— Азамат Фаёзович, хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида Чирчиқ шаҳар кенгашининг шу борадаги ишлари кўриб чиқилди. Шаҳар партия кенгаши партия аъзолари ўртасида, шунингдек, меҳнат жамоаларида ва аҳоли яшаш жойларида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» Қонунни тушунтириш ишларини тезкорлик билан бошлаб юборди. Шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси қонунни ўрганиш ва тарғиб қилиш юзасидан биринчи галдаги ташкилий-сиёсий ва тарғиботчилик тадбирлари режасини тасдиқлади, уни барча бошланғич партия ташкилотларига етказди ва амалга ошира бошлади. Қонунни ўрганишни ташкил этишда ишчи ва муҳандис-техник ходимлар кўпмиллатли аҳолининг асосий қисмини ташкил қилиш инобатга олинмоқда. Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси ғоялари билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмитаси билан қўшма пленум, шаҳар партия кенгаши ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолияти, «Учрашувлар» клуби машғулотлари, фаоллар семинарлари, партия йиғилишлари, «Ягона мулоқот куни», лекция ва суҳбатлар ўтказиш каби шакл ва воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг шу соҳадаги ишлари тўғрисида «Чирчиқ» газетаси мунтазам равишда хабарлар бериб бормоқда. Қонундан ўрин олган қоидаларни партия аъзолари ва партиясиз фуқаролар қандай тушунганликларини ўрганиш учун сўровнома йўли билан савол-жавоб ўтказилди. Қонун матни босилган плакатлар кўп нусхада босиб чиқарилди ва меҳнат жамоаларида ҳамда маҳалла қўмиталарида «Партия бурчаклари»ни жиҳозлашда фойдаланилди.

— Бундан кейин қиладиган ишларимизда бунинг бизга ҳам нафи тегади, деб ўйлайман. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунни тушунтириш ишлари аҳоли ўртасида партиянинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ижобий иш эканлиги ҳаммамизга аён. Шунинг учун ҳам вилоят кенгаши партия ташкилотининг аҳоли ўртасида обрўйини ошириш, нуфузини кенгайтириш учун ташкилий-сиёсий имкониятлардан самарали фойдаланишга, партия сафларини муттасил ўстириш ва унинг сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун қабул қилди. Айтиш мумкинки, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўришда партия ташкилотлари зиммасига янги, масъулиятли вазифалар юклатилди. Сайловларга тайёргарлик ишларини эндиликда янада кенгроқ ва чуқурроқ олиб бориш лозим бўлади. Ҳозирги кунда вилоят партия ташкилотида сайловларга тайёргарлик юзасидан кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Марказий Кенгашнинг тегишли тавсиялари асосида қонунларни ўрганиш, жойларда тарғибот, ахборот марказлари ташкил қилиш бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

— Бизнинг ҳудудий кенгашимиз Сирдарё вилояти Ховос туманидаги энг ёш кенгашлардан биридир,— деб ҳикоя қилади Ширин шаҳри ҳудудий кенгаши партия ташкилоти котибаси Дилбар Султонова.— Бизнинг нурчилар шаҳримизда 50 дан зиёд миллат вакиллари аҳил яшаб меҳнат қилишади. Шаҳарда маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, Президент Фармонларини изчиллик билан амалга ошириш, Ширинни намунали шаҳарга айлантириш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда. Сирдарё вилоят ҳокимлиги имкон борича шаҳримизни ободонлаштириш, зарур иншоотларни қуриб битказиш учун маблағ ажратган эди. Албатта, биз бундай тадбирларнинг аҳамиятини яхши тушунамиз. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун зиммамизга катта масъулият юклайди. Шаҳар ҳудудий кенгаши партия ташкилоти бўлажак сайловлар муносабати билан Қонунларимизнинг демократик моҳиятини, мамлакат истиқлолини мустаҳкамлашдаги унинг аҳамиятини омма ўртасида кенг ва чуқур тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Бунда эса миллатлараро тотувлик, тинчлик-осойишталик, барқарорликни таъминлаш, келажагимиз бўлган ёшлар билан ишлашнинг аҳамияти каттадир.

— Қаранг-а, Дилбар Султоновна, Чирчиқ шаҳри партия ташкилотида партия сафига қабул қилинганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаркан. Масалан, улардан 10 нафари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш ташкил этилган даврда партия сафига кирганлар. Фуқаролик ва миллатлараро тотувликкинг аҳамияти тўғрисида бошланғич ташкилотлар котиблари жойлардаги суҳбатларда ўз фикрлари билан фаол ўртоқлашаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Айни пайтда ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш устивор йўналиш қилиб белгиланганлиги ҳам бизни қувонтиради.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида мамлакатимиз Президенти, партиямиз Раиси И. Каримов келажакнинг ўз-ўзидан келмаслигини, у бугунги машаққатли меҳнатимиз билан яратилишини таъкидлади,—деди шу мавзудаги мулоқотда ХДП Бухоро вилояти Бухоро туман кенгашининг биринчи котибаси Саида Жўраева.— Маънавий иқлим яратиб, одамларни олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этиш ҳақидаги юртбошимиз даъватига жавоб бериш ҳар биримиз учун шарафли вазифадир.

Туман партия ташкилотларимиз барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда. Айниқса, Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорлигимиз қувончли самара беряпти. Ташкилотимиз ҳисобидаги 20 минг 300 нафар партия аъзосидан уч ярим мингдан зиёди ёшлардир. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида қабул қилинган 850 аъзонинг ярмини ёшлар ташкил қилади. Аҳолининг кам даромадли қатламлари — нафақахўрлар, ногиронлар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор беряпмиз.

Ҳозирги пайтда партия ташкилотимиз ва сайлаб қўйиладиган органларнинг ишини шундай йўлга қўйиш керакки, келажаги буюк давлат учун жон куйдираётганини одамлар кўрсин, чуқур ҳис этсин, унга ишонсин ва эргашсин. Сайловларга тайёргарлик кўришдан мамлакатимиз Президенти, партиямиз Раиси И. Каримов раҳбарлигида республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ишларини, партиямиз дастурий ғояларини рўёбга чиқаришнинг боришини кенг тарғиб қилишдан фойдаланиш — олдимизда турган муҳим вазифадир.

Мулоқот чоғида кўпгина фикрлар ўртага ташланди. Бу борада қилинажак ишлар аниқ-равшанлиги, бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилаётгани мамнун этади, кишини.

Жойларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларни партия аъзолари ва аҳоли ўртасида тушунтиришнинг сиёсий аҳамиятини чуқур англаб етмоқдалар. Шу сабабли ҳам Қонунларни шарҳлаб бериш учун малакали ҳуқуқшунослардан иборат лекторлар гуруҳлари ташкил этилиб, Қонунни партия аъзолари ва партиясиз фуқаролар ўртасида ўрганишнинг услубий ва ташкилий масалаларига бағишланган семинарлар, «амалий ўйин» ва бошқа тадбирлар, жонли мулоқотлар уюштирилаётгани, айниқса, ёш сайловчилар билан учрашувлар ташкил этилаётгани ижобий самаралар бериши шак-шубҳасиздир.

Бошланғич партия ташкилотларида Қонунларни ўрганишга доир барча восталар ишга солинса, сайловчиларнинг аниқ табақалари билан мулоқотлар олиб борилса, бўлажак сайловлар муносабати билан маҳаллаларга сиёсий-оммавий ишларнинг маркази деб қаралса, ҳар бир сайлов участкасига фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш учун партия аъзолари бириктирилиб, сайловчиларнинг турли тонфалари—ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ва зиёлиларнинг жамоатчилик фикри ўрганиб борилса, бунинг учун эса социологик сўровлар, савол-жавоблар ўтказишдан фойдаланилса, айни муддао бўлур эди.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЭЛЧИ ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ ТОПШИРДИ

● ВАШИНГТОН. Бу ерда АҚШ Президенти Билл Клинтонга Туркманистон Республикасининг биринчи элчиси Халил Угур ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Президент Клинтон ва вице президент Горга Сафармурод Ниёзовнинг улар учун қулай муддатда Туркманистонга расмий таштриф буюришлари ҳақидаги махсус таклифномасини ҳам топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида сўзга чиққан Туркманистон Республикаси элчиси АҚШ ва Туркманистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилажагини айтди.

ОҚИЛОНА ЁНДАШУВГА ЧОРЛОВ

● АЛМАТИ. Қозоғистон ҳукумати КХДРни халқаро ҳамжамият билан алоқани тиклашга чақирди.

КХДРнинг атом энергияси бўйича халқаро агентликдан чиқиши бу давлатда ҳарбий ядровий дастур бўлиши мумкинлигини билдириши ва бу воқеа нафақат маълум ҳудудга, балки бутун дунёга хавф солиши таъкидланди. Қозоғистон ташқи ишлар вазири хавфсизлик ва ядро масаласи бўйича халқаро конференция ўтказиш ҳақидаги Россия таклифини ижобий баҳолади ҳамда манфаатдор томонларни бу масалага оқилона ёндашишга чақирди.

ТАНГЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

● БИШКЕК. Қирғизстон миллий статистика қўмитасининг маълумотлари мамлакатда иқтисодий танглик давом этаётганини кўрсатди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш шу йилнинг ўтган ойида апрель ойига нисбатан 27,8 фоизга камайган. Йил бошидан буён иш жойини йўқотган кишилар сони 2,5 марта ошди. Республика январь—апрель ойлари давомида 370,2 миллион сўм фойда кўрган. Лекин у фақат нарх-навонинг оширилиши ҳисобига олинган.

ТУЗ ЗАҲИРАЛАРИ

● Тожикистон Республикаси ҳудудида туз заҳиралари кўп. Жумладан, Хатлон вилоятининг Восеъ туманида катта туз конлари бор.

Келгусида бу ерда янги технологияга асосланган завод қурилади. Шу вилоятнинг Ёвон туманида эса туз заводи қурилиши учун республика бюджетидан 7 миллиард сўм ажратилди. Ҳозир қурилиш ишлари қизғин бормоқда. Завод ишга тушгач, йилига 180 миллион тонна туз ишлаб чиқарилади.

Тожикистонда қазиб олинган тузларнинг учдан бир қисми республика аҳолиси талабини тўла қондиради. Қолгани эса Марказий Осиё мамлакатларига жўнатилади.

МИЛЛИЙ МУЗЕЙ

● Тожикистонда археологик қазилмалар туфайли жуда кўп нодир ва қиймматбаҳо буюмлар топилган. Уларнинг кўплари жаҳоннинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида, жумладан, Мюнхен, Токио, Рим, Милан музейларида намойишга қўйилган.

Тожикистонда эса бу нодир топилдиқларни қўйдиган музей йўқ эди. Яқинда тарих ва маданият бўйича халқаро «Меценат» кенгаши ва шахсан унинг раиси Марио Роберци ташаббуси билан республика тарих-археология музейи ташкил этиладиган бўлди. Келишувга мувофиқ кенгаш музейни турли жиҳозлар, зарурий анжомлар, электрон ёритиш асбоблари билан таъминлайди. Бу ашёлар асосан Швейцариядан келтирилади.

Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.

• *Қарор ва ижро*

САВДОДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН!

Вазирлар Маҳкамасида истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш ва республика аҳолисига савдо хизматини яхшилаш дастурини амалга ошириш комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

25 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида савдода тартиб ўрнатишга бағишлаб ўтказилган кенгашда республика Президенти ўртага қўйган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш юзасидан қилинган ишлар хусусида Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, «Ўзозиқ-овқатсаноат» концернининг раиси Н. Ҳамидов, Ўзбекистон кооператив тайёрлаш-савдо ташкилотининг раиси Э. Қурбонов ҳисобот бердилар.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги турли тижорат-воситачи ташкилотлар ва айрим шахсларнинг озиқ-овқат ва саноат молларини қиммат нархлар билан пуллашига қарши, маҳсулотларнинг олибсотарлар ва чайқовчилар қўлига ўтишининг олдини олиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мазкур масала таҳлили шуни кўрсатдики, шаҳар ва туман ҳокимликлари тегишлича назорат қилмаётгани сабабли, пойтахтда спиртли ва чанқовбосди ичимликлар, пиво, минерал сув, тамаки, қандолат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар билан кўча-кўйларда шу маҳсулотларнинг дастлабки эркин-шартномавий нархларига нисбатан бир неча баравар қимматига бетартиб равишда савдо-сотиқ қилиш авж олиб кетган. Кўчаларда савдони ташкил этишдаги жиддий камчиликлар, савдо-сотиқ ишларига ёш болаларни жалб этиш, ижозатнома бериш чоғидаги нуқсонлар ва бошқа хатолар таъкидлаб ўтилди, уларни қисқа муддатда бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда аҳолини дон маҳсулотлари, гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек чанқовбосди ичимликлар билан таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бозорларда тартиб ўрнатиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Комиссия ҳамма жойда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ярмаркасини ўтказишни, кўчаларда савдо қилишда мавжуд қоидаларга риоя этилишини таъминлашни, савдога ёш болаларни жалб этишни тақиқлаб қўйишни тавсия қилди. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришга доир бошқа кўпгина муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА).

Хом ашё четга чиқарилмайдиган бўлди

Бозор иқтисодиёти ҳаммани ҳисобдонликка, қилни қирқ ёрадиган бўлишга ундаяпти. Шу боис Вобкент тумани пиллачилик идораси мутахассислари етиштирилажак пиллани хом ашё сифатида сотишдан кўра уни қайта ишлаш чораларини кўряптилар.

Туман жамоа хўжаликларида минглаб қути ипак қурти парваришланяпти. Баҳорги табиий қийинчиликларга қарамай, ҳосил мўл бўлиши кутиляпти. Лекин бу йил пиллачилар хом ашёни сотиш учун харидор изламайдилар. Чунки, тумандаги «Ҳайробод» жамоа хўжалиги ҳудудида қурилаётган пилла йигириш цехи мавсум охирида ишга туширилади. Бунинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳати шундаки, бир неча ўн киши иш билан таъминланибгина қолмай, балки тайёр ипак калава атлас тўқиш корхоналарига юқори нархларда сотилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводи жамоаси иқтисодий танглик шароитида ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эришяпти. Тажрибали муҳандис Ҳаким Умаралиев раҳбарлик қилаётган деталларни қайта тиклаш цехида бундан ярим йил бурун атиги 60 киши ишлар эди. Ҳозир уларнинг сони 130 нафардан ошди. Иш жойлари икки баравардан зиёд кўпайди. Шунга яраша ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Цехда қишлоқ хўжалик техникаси учун ғоят зарур бўлган деталлар кўплаб тайёрланяпти.

Пайвандловчи Ҳасанбой Нишонов кундалик топшириқларни ҳамиша ортиғи билан уддалаб, жамоа муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшаётир.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

ҚУРУҚ ҚОШИҚ ОҒИЗ ЙИРТАР

Ҳар қандай шароитда ҳам бозорни тартибга келтириш мумкин экан. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 июнда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқидан кейин ҳамма жойда тартибсизликка қарши кураш авж олдириб юборилди. Бундан олдин ҳар бир раҳбар, ҳар бир ташкилот, хўжалик раҳбарлари ўзларига топширилган, юклатган масъулиятли ишларига оғиз, сезгирлик билан қараганда, бунчалик қийин аҳволга дуч келинмасди.

Биз ҳалигача республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ташаббускорлик ўрнига, юқоридан буйруқ, кўрсатма кутиб, ишларимизга жиддий путур етказишаётганлигини сезяпмиз. Миллий валютамиз, пулимиз муомалага киритилар экан, бозордаги нарх-наволарнинг кўтарилиб кетмаслигига эришиш учун биринчи навбатда олибсотар, чайқовчиларнинг пайини қирқиб ташлашимиз лозим. Улар йўқ қилинмасдан туриб, бозорни маҳсулотларга тўлдириш, нарх-наволарни тартибга келтириш мумкин эмас.

Нукус шаҳар бозорларини кўздан ўтказганимизда шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Шаҳарда рўйхатдан ўтказилмаган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, расман кичик бозор номини олган бозорлар тугатилди. Йирик бозорларда кейинги уч-тўрт кунда сабзавот, мева, полиз, картошка анча кўпайди. Нарх-наво арзонлашди. Олибсотар, чайқовчиларга нисбатан қатъий кураш олиб борилмоқда. 18 олибсотардан 2 тоннадан кўпроқ маҳсулот олиниб, шаҳар тайёрлов-савдо корхонасига ўтказилди. 81 чайқовчидан 120 шиша ароқ, 9 шиша вино олинди ва мусодара қилинди.

— Бозорда савдо ўринларини, харидорлар кўп бўладиган жойларни деҳқонларга ажратиб бермоқдамиз,— деди бозор директори М. Еримбетов.— Олисдан, республикамиз ташқарисидан сабзавот, полиз, мева, картошка, сабзавот олиб келаётган деҳқонларга меҳмонхонадан жой ажратганмиз.

Шаҳар ҳокими муовини К. Каромоддинов:

— Бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, олибсотар, чайқовчиларга қарши курашга ишчи гуруҳлари жалб этилди. Уларга ҳоким, ҳокимнинг муовинлари, шаҳарнинг масъул ходимлари раҳбарлик қилмоқда. Четдан сабзавот, полиз, мева, картошка каби маҳсулотларни келтириб сотишда шаҳар тайёрлов-савдо корхонаси, озиқ-овқат акционерлик жамоаси фаоллик кўрсатмоқдалар. Деҳқон бозоримизга кўпроқ республикамиз жанубидаги Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё туманлари давлат ва жамоа хўжаликлари шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари миришкорлари, ноз-неъмат келтириб сотмоқдалар.

Аслида Нукус шаҳри аҳолисини Нукус, Кегайли, Чимбой каби туманлари хўжаликлари сабзавот, полиз, мева, картошка каби маҳсулотлар билан таъминлаши керак эди. Амалда ўтган якшанба кунигача бу туманлардан келтирилган маҳсулот пойтахтда сотилмади. Биз қачонгача Нукус шаҳар бозорини четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўлдирамиз. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари жиддий ўйлаб кўрсалар зарар қилмасди. Аҳолини қишин-ёзин бир меъёрда сабзавот, полиз, мева, картошка билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўриш пайти келди-ку! Қуруқ ваъда, қуруқ гап, номига ўтказилган йиғилишлар, унда қабул қилинган қарорлар билан дастурхон тўлмайди. Мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ана шу камчиликлар, нуқсонлардан тезда тегишли хулоса чиқарадилар деган умиддамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРСАК...

Шу йил 25 июнда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда барча соҳа, хусусан, солиқ идоралари ходимлари олдига аниқ вазифаларни белгилаб берди. Биз ўз иш фаолиятимизни мазкур йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб аниқ тадбирлар асосида йўлга қўйдик. Шунга кўра якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳисобга олдик ҳамда улар томонидан солиқ қонунларига риоя этилаётганлигини аниқлаш мақсадида барча бозорларда, ярмаркаларда, маҳаллаларда ва аҳоли гавжум жойларда мунтазам текширишлар ўтказиб турибмиз. Чунончи, Ғаллаорол туманида Эргаш Келдибеков Самарқанд пиво заводида ишлаб чиқарилган 40 яшчик пивони ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётганлиги аниқланди. Тезкорлик билан расмийлаштирилган баённома асосида туман ҳокимлиги ҳузуридаги маъмурий комиссияда шу аҳвол кўриб чиқилди ва 820 минг сўм-купонлик пиво давлат фойдасига мусодара қилинди. Шунингдек, Жиззах туманида икки кун ичида 30 та тартиббузарлик аниқланиб, айбдорларга тегишли чора кўрилди. .38 шиша ароқ, 100 литр пиво ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Айни пайтда вилоят марказида 23 ҳолатда қонунбузарлик аниқланди. Қоидабузарлардан жами 55 хил моллар, дори-дармонлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Зафаробод тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Қорамўйин» фирмасига қарашли М. Исаев томонидан ўзимизда ишлаб чиқарилган минг дона «Жигули» пивосининг ҳар донасини 3 минг сўмдан ва 60 дона маъдан сувининг ҳар донасини 10 минг сўмдан сотаётганда қўлга тушди.

Бундай ҳолларга чек қўйишда фақат айбдорларни жазолаш эмас, балки айни пайтда аҳолига Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш тўғрисида тушунтиришлар берилмоқда. Бизга вилоят ички ишлар бошқармасининг тезкор ходимлари ҳамиша ҳамкор ва мададкор бўлишмоқда.

Лекин, шунч қайд этиш керакки, айрим туман ҳокимларида бизга яқинлар ёрдам бериш иштиёқи сезилмаяпти. Агар бирор ҳолат ҳокимларнинг манфаатига тескари келса давлат солиқ идоралари ходимларининг ташаббускорлиги сусайтирилмоқда. Ўйлаймизки, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб курашсагина, кўзланган мақсадга эришиш осон кўчади. Биз бошлаган кураш эса мавсумий эмас, балки доимийдир.

Эркин СОДИҚОВ,
Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи.

• ИСЛОҲОТ ВА ОДАМЛАР

БЕЛНИ ПЕШЛАГАН БИЛАР...

Ромитанни бухороликлар фахр билан ороми тан, дейишади. Хўш, бундай аталишининг боиси не? Бундан йигирма йиллар муқаддам туманда боғ-роғларни кўпайтириш пахта етиштириш ҳажмини ошириш билан тенг олиб борилишига жазм қилинди. Бу ишга тадбиркор раҳбарлар бош-қош бўлдилар. Қисқа муддатда болтомар боғлар, сарҳил мевали чорбоғлар ташкил этилди. Чўл ўрнида кишига завқ ва ором бағишловчи пахтазорга туташ боғлар пайдо бўлди.

Улар бугунги кунда« Ҳазорбоғ», «Боғи туркон» ва бошқа ўнлаб номлар билан Бухоро вилоятида машҳур. «Ҳазорбоғ»нинг карсиллама узуми, қирмизи олмаси, «Боғи туркон»нинг анори, тилими тилни ёрадиган мевалари, «Қўрғон Ромитан»нинг асал анжирини татиган кишининг умри узаяди, ёшига ёш қўшилади. «Халқобод» сабзавоткорлари меҳнати маҳсули бўлган шифобахш лимонларни айтмайсизми?

Хўш, уларнинг бунёдкорлари кимлар? Қуйида иқтисодий ислоҳотнинг жонкуярлари бўлган қишлоқ кишилари, уларнинг шу кунлардаги меҳнатлари, ўй ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ромитан тумани вилоятда ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, жонфидо раҳбару мутахассислари, пахтапарвар кишилари билан алоҳида ўринда туради. Аниқроғи, тумандан кўп яхши ташаббуслар чиққан. Тажрибаси ўрганиладиган хўжаликлар, тадбиркор раҳбарлари кўп. Ана шулардан бири — «Халқобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Асқар Нозимов.

— Асқар туманимиздаги тадбиркор, ишбилармон раислардан бири,— дейди туман ҳокими Арслон Мўминов.— Бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайди. Давр ана шундай кадрларни ёқтиради.

Ҳокимнинг нечоғлик ҳақ эканлигини хўжаликда бўлганимизда англадик. Биринчи учрашувимиз қишнинг охирига тўғри келганди. Хўжалик иссиқхонаси дарвозаси олдига «Нива» енгил машинаси келиб тўхтади. Ундан кичик жуссали, қорачадан келган, сочларига оқ оралаган йигит тушди. Уни шу ерда турган кишилар ўраб олишди.

— Асқар ака, бизга етти тонна помидор керак бўлиб қолди.

— Кеча барча ҳужжатларни расмийлаштирдик, маҳсулотни олиб, йўлга чиқсак бўладими?

— Бизга 400 та чиннигул керак.

— КамАЗлар маҳтал бўлмасин, айтинг юкни ортишсин!

Бир кўришдаёқ уни ҳеч ким раис демайди. У баъзи раисларга сира ўхшамайди. Манманлик, кибри-ҳаводан йироқ. Шу боис у ҳамманинг дилига йўл топади, мижозлар талабини қондиради. Айтиб-эшитгач, шартни ўртага кўндаланг ташлайди.

— Маҳсулотга-маҳсулот. Олдин бизга керакли картошканинг ярмини келтирасиз, сўнг помидор оласиз:

— Гуруч нархини пасайтиринг, қўлма-қўл келамиз.

Ҳа, бозор иқтисодиёти савдолашишни ҳаммага ўргатаётгани шу-да! Ҳисобдон бўлмасанг, ҳам�ўнгдан айриласан! Раис ҳамиша ҳам ён беравермайди, халқи манфаатини ўйлайди. Ахир, унинг ортида минглаб умидвор кўзлар турибди.

Иши анча енгиллашгач, биз билан гаплашишга ўтди. Суҳбатимиз узоққа чўзилмади. Қисқа суҳбатда унинг асл мақсадини англадик: халқини тўйдириш. Шунда эл назаридан қолмайди киши.

Ҳа, халқ назарига тушиш осон эмас. Асқар Нозимов зиёли оиласида вояга етди. Ака-укалари, сингиллари, хуллас, катта оила ташвиши ҳаммага аён. Отаси уни ҳалол меҳнат — ўқитувчилик нони билан боқиб кам бўлмади. Асқаржон ҳаёт синовларидан дадил ўтди. Агроном бўлишга жазм қилиб, мақсад сари дадил интилди. 1978 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳини тугатди. Ҳосилот деган мутахассисликни эгаллади. У ердан тўғри йўлланма билан ўз қишлоғига қайтди. Участка агрономи, бош агроном бўлиб, бир неча йил ишлади. «Пахта иши» туфайли «Халқобод»да ҳам ағдар-тўнтар, қама-қамалар бошланди. Хўжалик раиси ҳам ҳибсга олинди.

— 1985 йилда участка ҳосилоти эдим. Мотоциклда дала айланиб юрардим, идорадан бир киши келиб мажлисга боришимни айтди,— хотирлайди А. Нозимов.— Келсам, жамоа жам. Йиғилиш очилди. Хўжалик бошқаруви раислигига менинг номзодимни кўрсатишганда, тўғриси, гангиб қолдим. Ахир, ўттиз ёшимда бу ишни эплай олармидим?

— Эплайсан!— дейишди ҳамма. Бошга тушганни кўз кўраркан. Отам, хўжалик оқсоқоллари маслаҳатлар беришиб туришди. Тўғриси, ўзимнинг ҳам аниқ режаларим бор эди. Шулар асосида дадил қадам ташлашга интилдим.

Кўп билан кенгашиб ишлаган панд емайди. Янги раис аввало мутахассисларни ўз ўрнига қўйди.

Ободончиликка эътибор берди. Боғ-роғларни кенгайтирди. Хўжалик аста қаддини ростлай бошлади. Дастлабки йили пахта ҳосилдорлиги 26 центнерни ташкил этган бўлса, бултур бу кўрсаткич 38 центнерга етди. 1330 гектар ердан 4851 тонна пахта етиштириб олинди. Бошқа соҳаларда ҳам катта силжишлар бўлди. Ҳаммаси бўлиб 1077132 минг сўм-купон даромад қилинди. Энг асосийси, хўжаликнинг давлатдан қарзи йўқ. Хўш, бунга қандай эришилди?

Раиснинг таъкидлашига қараганда, хўжалик юритишда Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номли хўжалик тажрибаси қўл келди. Бу хўжалик ҳаёти, ундаги иш юритиш ва бошқа тажрибалар билан раиснинг шахсан ўзи икки маротаба танишди. Бошқарув аппаратидагилар сони кескин камайтирилди. Асосий куч ўрта бўғинга қаратилди. Шу боис меҳнатга ҳақ тўлашдаги тартиблар изга тушди. Хаттo иссиқхонанинг иситиш қозонлари ўрнатилган бинонинг томида ҳам қишда гул ўстирилади. Бу ҳам хўжаликка мўмай даромад келтиряпти. Хуллас, иссиқхонада йил — ўн икки ой маҳсулот канда бўлмайди. Қишда хўжалик меҳнаткашлари эл дастурхонига помидор, бодринг, ҳар хил кўкатлар, лимон етказиб беришса, аллақачон хандалак ҳам сотувга чиқарилди.

Рашиджоннинг ташаббуси билан тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи Калифорния чувалчанглари ҳам кўпайтириляпти. Яқинда хўжаликда яна бўлишга тўғри келди.

Кўпгина иссиқхоналарда бўлганимизда оқ пашшага дуч келганмиз. Лекин бу ерда уни учратмадик.

— Сабаби бўлса керак?— сўраймиз. Р. Омоновдан.

— Бу сир билан кўпчилик олимлар ҳам қизиқишди. Лекин ишимизни нозик томонларини биз ҳам очишга мойил эмасмиз,— дейди Рашиджон.

Майли, сир сирлигича қолақолсин, фақат маҳсулотнинг кети узилмаса бўлгани. Директорнинг таъкидлашича, шу йилнинг ўтган ойлари давомида иссиқхона хўжаликка қарийб 3 миллиард сўм-купон даромад келтирибди. Етиштирилаётган маҳсулотларнинг бир қисми хўжалик ихтиёридаги иккита «Алка», битта «КамАЗ» орқали Россия шаҳарларига жўнатиляпти. У ердан эҳтиёт қисмлар, бинокорлик материаллари олиб келиняпти. Бир сўз билан айтганда, бугун иссиқхона ҳақиқий даромад манбаига айланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида қандай бўлмасин қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш, улар турмуш даражасини кўтариш асосан раҳбарнинг ҳаракатига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, хўжаликда бошқарув раиси ўз зиммасига айнан шу масалани олган. Топширилаётган пахта толасидан келаётган фойда ҳаммага тенг тақсимланяпти. Режадан ташқари етиштирилган пахтани қайта ишлаш ҳисобидан ҳар бир колхозчига 10 килограммдан бепул мой берилди. Тўй-маърака қиладиганларга эса 30—35 килограммдан бериляпти. Бундан ташқари, маҳсулот (иссиқхона ҳисобидан) айрибошлаш йўли билан хўжалик аҳолисига арзон нархда гуруч, картошка ва бошқа кундалик истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотлар сотилмоқда.

Иссиқхона, ғишт заводи, тракторларни таъмирлаш базасида ишловчилар учун тушлик овқат бепул, олтита болалар боғчаси тарбияланувчилари, 3 та мактабнинг 1—4-синфлари ўқувчилари ҳам хўжалик ҳисобидан бепул овқатлантириляпти. Аҳолига арзон нархда қурилиш материаллари сотиляпти. Айниқса, ғишт заводи маҳсулоти билан кўркам бинолар қад ростлаяпти.

Буғдой ҳосили чўғи баланд.

Хўжалик омборхонаси мудири (ўртада) Ҳ. Дилмуродов ишчилар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Бошқарув аъзолари аҳил бўлиб ишлаётганликлари туфайли хўжаликда Президент Фармонлари ҳам тўла-тўкис амалга ошириляпти. Хўжалик тўлиқ газлаштирилган. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида хонадонлар водопроводлаштириляпти. Одамларга уй-жой қуриш ҳамда маҳсулот етиштириш учун ер берилмоқда. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимларига уйлар хусусийлаштириб берилди. Бундан ташқари боғ-роғлар, ғалла майдонлари ўз эгаларига хусусий мулк қилиб берилди.

Хўжалик бошқаруви раиси хусусийлаштиришда оқилона иш тутмоқда. У асосий даромад келтирадиган тармоқларни хусусийлаштиришда пухта режага эга. Йил охиригача бу ишни ниҳоясига етказишга ҳаракат қилаётир.

Хўжаликда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 87—88-қарорларининг ижросига тўлиқ эришиляпти. Сут-товар фермаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, маҳсулот етиштириш кескин кўпайди. Ҳиссадорлар ўз улушлари нимадан иборатлигини биладилар. Бундан ташқари, 13 та фермер хўжалиги ҳам қаддини ростламоқда. Хусусан, «Ҳамза» мустақил фермер хўжалигининг бераётган маҳсулоти тобора кўпайиб бормоқда. Раҳима Ҳамидова бошчилик қилаётган бу фермер хўжалигида ҳозир 21 бош сигир парваришланяпти, 40 бош қорамол бўрдоқига боқилмоқда. Фермер хўжалиги ҳар куни 150—160 килограмм сут топширмоқда.

— Раҳбар идорада ўтириб қолмаслиги керак,— дейди А. Нозимов.— У янги иш жойларини яратиш, даромад берадиган тармоқларни кенгайтириш, қишлоқда қурилиш кўламини ошириш ташвишида яшасагина эл ундан рози бўлади. Ҳозирги кунда етиштирилаётган маҳсулотни сота билиш ҳам зўр маҳорат. Илгари пешона тери билан етиштирилган маҳсулотнинг анча қисми сотилмай нобуд бўлар, бунинг устига марказ уни сувтекинга олиб кетарди. Мустақиллик туфайли деҳқонларимиз ҳисобдон бўлишяпти. Маҳсулотни қайта ишлаш тараддудини кўришяпти. Буни хўжалигимиз мисолида далиллаб берсам дейман.

Сут комбинатини қуряпмиз. Яқинда ишга туширилади. Бу корхонада 22 хил маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бор. Қайта ишлаш учун хўжалигимиздан эмас, балки туманимиз ёнидаги хўжаликларидан сутни қабул қилиб оламиз. Бугина эмас, корхона ишга туширилса, кўпчилик даромадли иш билан таъминланади. Консерва заводи, ёғ заводи қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Қишлоққа саноатни тўлалигича олиб кирамиз.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликда катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Мактаб, болалар боғчалари қуриляпти. Шу боис ҳам қишлоқ шаҳар тусини олаётир. Катта ўйингоҳда ҳафтада футбол мусобақалари ўтказиб турилади.

— Асқаржон эл ишончини оқлади,— дейди хўжаликка бир неча йил раислик қилган Аҳмад ота Ражабов. — У ҳамманинг қалбига йўл топа билиши, мутахассисларнинг ҳуқуқини ҳимоя қила олиши, меҳнаткашга ғамхўрлиги билан эътибор қозонмоқда. Унинг келажакдаги режаларидан кўнглимиз тўқ.

Шу ўринда бошқарувнинг партия ташкилоти билан ҳамкорлигини алоҳида уқтирамиз. Хўжалик аъзоларининг катта қисми — 130 киши ХДП аъзоси. Маҳмуд Жўраев ҳам партия ташкилоти котиби, ҳам бошқарув раисининг ўринбосари. Муаммоларни ҳал этишда у раис билан тенг ҳуқуққа эга. Жалол Жалилов, Мансур Низомов, Ҳайит Гадоев, Негбой Умаров, Қосим Насриев сингари ХДП аъзолари ўз иш участкаларида ҳам ташкилотчи, ҳам тадбиркор, ҳам иқтидорли мутахассис сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Хўжалик йилнинг дастлабки ҳосили — шартнома асосида пилла етиштириш режасини ошириб бажарди. Яқин орада мева сотиш режаси ҳам ўринлатилади. Раис эса хайрли ташвишлар билан сира тинчитмайди. Шулардан бири — хўжаликда банк очиш. Бу муаммо ҳал этилса, хўжалик янада бақувватлашади. Бозор шароитида қаловини топса, қор ҳам ёнади. Бунинг учун тадбиркор бўлишдан бошқа чора йўқ. Банк очилишида ҳокимлик кўмакка қўл чўзди.

Биз туманнинг бошқа кўпгина хўжаликларида ҳам бўлдик. Лекин бу ердагидек кенг кўламли ишларни кам учратдик.

— Асқар акадан кўп нарсани ўрганишимиз керак,— дейди Ибн Сино номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Шавкат Мавлонов.— Хусусан, парник хўжалигини ривожлантиришда тўпланган тажрибалар биз учун келажакда асқотади. Хўжалик юритишда ҳам у кишидан ўрганишимиз кераклигини давр тақозо этмоқда. Ҳозир қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас.

Худди шундай фикрни тумандаги «Қўрғон-Ромитан» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Сирож Асадов ҳам билдирди:

— Бизда ҳам «Халқобод»ликларгадек имкониятлар мавжуд. Аммо ундан имкон қадар фойдалана олмаяпмиз. Ҳалигача бирорта кичик корхонага эга эмасмиз. Ҳолбуки, кимсасиз дала шийпонларидан шу мақсадларда фойдаланиш имконияти бор. Ишимизни қайта кўриб чиқиб, «Халқобод-лик»лар билан рақобатлашиш йўлига ўтсак ажаб эмас.

Ҳа, мустақил республикамизнинг ҳар бир куни шиддаткор, воқеа, ўзгаришларга бой. Ромитанликлар Президентимизнинг халқ манфаатларига хизмат қилувчи Фармонларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилишни «Халқобод»ликлардан ўрганаётганликлари кишига завқ бағишлайди. Демак, эртанги кунга умидворлик, ишонч ҳисси янада кучли. Бунда Нозимов кабилар карвонбоши бўлсагина эзгу ниятлар амалга ошаверади.

Каримжон РИХСИЕВ,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ТИЖОРАТ БЕГОНА ЭМАС

Бу тижорат деганлари бизнинг халққа бегонами ёки?... Йўқ, шу ўринда бир лаҳза мозийнинг ўчириб бўлмас варақларига муҳрланган воқеа-ҳодисотларини эсга олсак кифоя: «Чин элидан Мовароуннаҳр томон келаётган савдо карвони омон-эсон манзилига қўнмиш..» Ёҳуд Буюк ипак йўлидан юрган бир кимлар эди?

Бугун мактаб, билим юртлари ё коллеж, институт тоғларига тижорат илмидан сабоқ бераётганлар ана шу катта карвонлар ўтган эл, замин ҳақида кўпроқ сўз юритаётганига шубҳамиз йўқ. Чунки...

Ўз кўзимиз билан кўрдикда. Қаерда дейсизми? Тошкент тижорат техникумида! Бу даргоҳ урушнинг ҳал қилувчи жанглари кетаётган 1944 йилнинг августида ташкил этилган экан. Унинг ўзи катта бир китобга сиғгулик мавзу. Бугуни эса...

Бошқача. Балки кимдир айтар ҳам: э, Ўзбекистонда бундай техникумлар беҳисоб бўлса, ҳаммасида бир хил сабоқ-да, деб. Шошилманг. Тўғри, ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида турли номда техникум ва коллежлар кўп. Лекин уларнинг иш юритиш услуби бир-бирига ўхшамайди.

Бу ўқув маскани ҳақида сўз кетса, Ўзбекистон савдосининг бошланғич мактаби шу ер деб қўйишади. Бунда кўп сиру-ҳикматлар яширин. Оддий бир мисол: Дастлаб кундузги бўлим, кейин эса 1954 йили сиртқи ва 1962 йили кечки бўлим (—1987 йили тугатилди) иш бошлаган. Ана шундан билиб олаверинг, ният катта бўлгач, ишлар ҳам, муваффақиятлар ҳам катта бўларкан. Жамоанинг доим фахр ила айтиб юрадиган қувончлари кўп. Шулардан бири ҳозиргача ўттиз минг йигит-қиз бу маскандан савдо соҳасига учирма бўлди. Бугун уларнинг аксарияти эл хизматида.

Директор муовини Қудратилла Азимов «Юринглар, мен сизларга техникумни бир кўрсатай. Фақат изоҳ, шарҳ бермайман» деганида ажабландик ҳам. Ўқув хоналарини бир қур айланиб чиқиб, уларга эшиттирмай айтган гапимиз шу бўлди: «салкам институт миқёсидаги техникум экан-да. Эллик йил дарёдай оқиб кетмапти...»

Биз бор кўрганларимизни бирма-бир изоҳлаб ўтирмаймиз. Бу ёғи синов ва имтиҳонлар бошланган. Қабул комиссиясида ишлар қизғин. Тўғриси, аввалига кўнглимизда салгина хижиллик ҳам бор эди. Чунки келишимизни ҳеч кимга айтмовдик. Шу даргоҳнинг эгаси, директорига бу гапни айтмоққа чоғландик. Хонаси берк экан. «Имтиҳон оляпти» дейишди. Йўлаклар гавжум. Ҳаммаёқ шовқин. Имтиҳон олинаётган хонани оҳиста чертамиз. Эшик очилади. Бир киши «хизмат» дегандай бизларга юзланди. Танишдик. Юсуфжон ака РАСУЛОВ. Техникум директори. Бир лаҳза гурунглашдик. Кўпам гапирмади. Муовинларини кўрсатиб, «шулар айтиб беришар, мен мактансам ярашмас» деди.

Кейин айтишди. Юсуфжон аканинг деярли бутун умри техникумга боғлиқ экан. Гапларим содда ва жўяли. Ҳайрлашаётганимизда суратчимиз «домла, имтиҳонда экансиз. Бир суратга олсак...» девди, қўл силтаб, «узр, мени эмас, талабаларни, қолаверса яхши, фидойи муаллимларни олинг» деди.

Қайтишимизда Қудратилла ака бир гапни айтди: «Яқинда талабаларимизга сабоқ бергани Франциядан домлалар келди. Замонавий техника, компьютерларни қандай эгаллаганимиз билан қизиқишди. Маърузалар ҳам қилишди. Лекин мен булардан сира ҳайратланмадим. Нега дейсизми? Ўзимизнинг бераётган сабоқларимиздан деярли фарқи йўқ. Шарқликларга, қолаверса туркистонликларга тижорат бегона бўлса экан, ўрганиб ҳайратланса...»

Ана сизга яна бир далил. Тағин ҳорижликлардан тижоратни ўрганайлик, деб юрибмиз. Бу ёқда эса Тошкент тижорат техникумидай катта бир илм масканлари турибди. Ишонмасангиз бир келиб кўринг...



Норқобил ЖАЛИЛ.

Суратда: техникумнинг компьютерлар синфида машғулот пайти.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

1994 йил 5 - 8 июль кунлари

"Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонасининг кўргазма залларида

"ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ-94"

ХАЛҚАРО САВДО КЎРГАЗМАСИ

* Аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаги
* Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш учун мўлжалланган кийимлар
* Пойафзаллар
* Атторлик буюмлари, ювиш воситалари
* Озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар
* Кофе дамлаш ва майдалаш асбоблари
* Кафел
* Сантехникага оид моллар
* Гиламлар ва гилам - поёндозлар
* Хонадонлар ва офислар учун мўлжалланган ташкилий техника асбоблари

Улгуржи ва чакана савдо.
Кўргазма даврида 30 фоиз арзон нархда сотилади.

Германия, Италия, Голландия, Бельгия, Ўзбекистон, Кипр, Покистон фирмалари иштирок этадилар.

Манзилгоҳ:
Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 53 "А" уй
"Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси
"Чилонзор" ресторани ва "Шифокор" меҳмонхонани рўпарасида

Савдо кўргазмасининг ишлаш вақти: 10.00дан 17.00гача

ХАРИДОРГИР МЕБЕЛЛАР

Андижон мебель корхонаси янги турдаги диван, кресло, икки ўринли каровотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Ҳозир бу маҳсулотларнинг ҳар бир туридан ойига 100 донадан ишлаб чиқариляпти.

Корхона ишчилари йил охиригача ҳар бир турдаги шундай маҳсулотлардан 700 донадан ишлаб чиқариб, мебелга талабгорларни хурсанд этишмоқчи.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

САМОЛЁТНИНГ ҲАЛОКАТИ

● БУХАРЕСТ. Руминия армияси матбуот бюросининг хабар беришича, Кипрнинг Турзий ҳарбий аэродромида «МИГ-21» самолёти ҳалокатга учраган.

Учувчи самолёт осмонга кўтарилганидан кейин моторлардан биттаси ишламаётганини сезиб қолган ва парашют ёрдамида 50 метр баландликдан ўзини ерга ташлаган.

Унинг фикрича, самолётнинг қушлар билан тўқнашуви ҳалокатга сабаб бўлган. Шунга қарамай, миллий мудофаа вазири тайинлаган махсус комиссия ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

ЛОЙИҲА МАЪҚУЛЛАНДИ

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари конгрессининг вакиллар палатаси АҚШнинг 1995 йилда ҳарбий мақсадлар учун маблағ ажратиш ҳақидаги лойиҳасини кўпчилик овоз билан маъқуллади.

Вакилларнинг 330 нафари лойиҳани маъқуллаб овоз берган бўлса, 90 таси унга қарши чиқди. Конгрессменлар Клинтон маъмуриятининг собиқ СССР республикаларидаги ядро воситаларини зарарсизлантириш учун 400 миллион доллар ёрдам ажратиш таклифини маъқулламадилар. Шунингдек, қонун чиқарувчилар жаҳонда тинчлик ўрнатиш тадбирлари учун Пентагонга 300 миллион доллар маблағ ажратиш хусусидаги лойиҳани ҳам тасдиқламадилар, деб хабар беради «Нью-Йорк Таймс» газетаси.

ГАРОВГА ОЛИНДИЛАР

● ДЕҲЛИ. Либерия қўзғолончилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги 6 нафар ҳарбий кузатувчисини гаров сифатида қўлга олди.

Халқаро ҳамжамиятнинг Ғарбий Африкадаги вакили Фред Экартнинг баёнот беришича, гаровга олинганлар орасида Миср ва Иордания зобитлари бор. Деҳли ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Либерия бирлашган озодлик ҳаракати аъзолари гаровга олинганларни шаҳар марказидан 50 километр олисда жойлашган Тубманбург шаҳрида ушлаб турибдилар.

Баъзи маълумотларга кўра, қўзғолончилар уларни катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштиришга рози бўлган.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

● ПЕКИН Хитойда компанияларни рўйхатга олишнинг янги қонуни кучга кирди.

Унга кўра, ҳиссадорлик компанияси камида 10 миллион юан миқдорида маблағга эга бўлиши керак. Мутахассислар рўйхатга олишнинг янги қонуни жаҳон тажрибаларини ўзида мужассам этганини таъкидламоқдалар. Янги қонун амалиёти билан эндиликда бевосита ҳукумат эмас, шаҳар, вилоят ва уезд-ларнинг савдо-саноат бўлимлари шуғулланаётир.

Яқин уч-тўрт йил ичида мамлакатдаги барча компаниялар қайтадан рўйхатга олинади, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ УЗАЙТИРИЛДИ

● ТИРАСПОЛЬ. Днестрбўйида фавқулодда ҳолат 1 июлдан 31 августгача узайтирилди.

Днестрбўйи Президенти Игорь Смирновнинг шу ҳақдаги фармони куни кеча радио орқали ўқиб эшиттирилди. Фавқулодда ҳолат муддати узайтирилишига узоқ-ган жиноятчиликка қарши кураш ва Днестрбўйи республикасининг давлат тузумини сақлаб қолиш сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

МУЗОКАРАЛАР ЯҚИН

● ТБИЛИСИ. БМТ Бош котибининг Грузиядаги махсус вакили Эдуард Брунер ранслитда Грузия билан Абхазиянинг давлатҳуқуқий муносабатлари масалаларини муҳокама қилиш муддати кейинга сурилди.

Бу музокаралар 7—8 июль кунлари Сочида ўтказиладиган бўлди, деди БМТ Бош котибининг расмий вакили Жо Силлс.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Тоғай ЙЎЛДОШ

• *Ҳажв дафтари*

ЭРТА КУНДА

Ойимларни кўпинча,
Қоғозлари очилмас.
Нега бундай экан деб,
Ҳеч ким қуйиб, ачинмас.
Келин-кечак, ўғил қиз
Биларларки бир гап бор.
Узларича тинчликни
Бузарлар:— Абдиғаппор!
У.. палончи ҳолангинг
Яқин эмиш тўйлари.
Эсингдами бир ҳолда,
Бизга қилган қўйлари!
Бир кийимли атлас-па,
Тогора ҳам қилишгак.
Тўйнаси келганин,
э, ногора қилишган.
Гап-сўзга қолмай, бола —
Қилсанг қилар одамлар.
Ерга қараб бошларин,
Чайқаб кулар дадамлар.

ОВСИНЛАР

Кафтдек тор, танг ҳовлида.
Яшарлар икки овсин.
Шу ҳам ҳаёт бўлдими,
«Ит куни» худо олсин!
Ур—сур, жанжал хотиржам
Кун қаёқда ўргулай.
Иленбошин каттаси
Доғлики, ўлгудай...
Тил—оғзи тегмаган бир
Овсинин ҳам қўймайди.
Иши ғийбат, гап чақиш
Машмашага тўймайди.
— Илож қанча, худонинг —
Ҳоҳиши-да, на чора!
Ун йилдирки тирноққа —
Зор, бефарзанд бечора.
— Ўз феълидан топган у.
Ичи қора, сўраманг.
— Оғзим бор деб ўзича
Бўлар-бўлмас сўзламанг.
Бирор кори, сабаби —
Борки шундай, боласиз.
Осон тутманг, тасаддиқ,
Нақ, гап-сўзга қоласиз.
Бирорта асранди ҳам,
Топилмас денг шўрликка.
Ҳар қанча сабри бардош,
Доғ бермас бу хўрликка.
Эрта кунда топгани,
Фолбину, дуохонга.
«Кўчирик, қайтариқлар
Зормонда тегди жонга.
Соврилиб, ҳолдан тойиб
Йиқилишга тақалди.
Жон-жон, ўзимнинг жоним—
Деб хумори тарқалди.
Ақли кечроқ кирди, ҳа
Ўзини ўйлар бўлди.
Кўзи ёшли, хулимсаб —
Тўйларда ўйнар бўлди...

ҒАЗАЛНАВИС ШОИР ХОТИРАСИ

Санъатга, адабиётга яқин ўзбек хонадони борки, ғазалнавис шоир Чустийни яхши билади. Зеро, радио ва телевиденида, санъат кошоналарида бериладиган концертларда шоирнинг бир нечта ғазали айтилмаган пайтлар жуда камдан-кам бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Чустийнинг ғазаллари, энг аввало, инсонлар ўртасидаги одамийликни, инсоф-диёнатни, меҳр-оқибатни улуғлайди, қолаверса, жаннатмакон юртимизнинг гўзаллигини, ажиб табиатини таърифлаб, китобхонлар ва санъатқўшиқ шайдолари қалбида ватанпарварлик туйғуларини жўш урдиради...

Куни кеча пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Оқтепа маҳалласи чойхонасида ана шу ғазалнавис шоир таваллуд топган кунининг 90 йиллиги хотира кечаси бўлиб ўтди. Хотира кечасида шоир Чустийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, у яшаган даврнинг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлиги хусусида, ғазалнавис шоирларнинг ҳам, ҳатто ғазалнинг ҳам қадри-қиймати пасайгани борасида хотиралар сўзланди. Мана энди вақтисоати етиб мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ғазалнинг ҳам, ғазалнавис шоирларнинг ҳам қадри кундан-кунга ошиб бормоқда. Хотира кечасида ана шундай мулоҳазалар такрор-такрор айтилди.

Хотира кечасида Набихон Хўжаев—Чустийнинг ғазаллари нотиқлик санъати тарихида ҳам, қўшиқлар тарзида ҳам муттасил янграб, иштирокчиларни хушнуд этиб турди. Кеча қатнашчилари Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Ҳожиакбар Ҳамидов ва бошқа санъаткорларнинг чиқишларини мириқиб тингладилар.

Ғазалнавис шоир Чустий таваллуд топган кунининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечасида Ўзбекистон Республикаси «Ота-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров, Тошкент шаҳар ҳотин-қизлар қўмитаси раиси Муборак Юнусхўжаева, Акмал Икромов тумани ҳокими Осимхон Алихўжаев, олимлар, ёзувчилар — шоирлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Оқилжон ҲУСАН.

ДОНИШМАНДНИ ҲАҚИР КЎРСАМ...

Ҳамза театрида Абдурауф Фитратнинг «Абулфайзхон» асари асосида саҳналаштирилган спектакл мутахассислар учун илк намойиш этилган кун эди. Премьерага адабиётшунос, театршунос ва журналистлар келишган, спектакл томошасидан сўнг унинг қизғин муҳокамаси бўлди.

«Абулфайзхон» кучли асар. Унда миллатимизнинг тарихан узоқ давом этган фожеалардан бири — амалпарастлик касаллиги оқибатида ўзгаларга ем бўлиш, бир-бири билан бирикмаслик моҳирона тасвир этилган. Унинг саҳна кўриниши ҳам ҳаяжонли чиққан. Спектаклда кўпчиликни ларзага солган Ҳакимбек образи эди. У жуда тўлақонли чиққан, мутахассислар ҳам актёр маҳоратига яхши баҳо беришди.

Ҳакимбек — Ғайбулла Ҳожиев билан учрашиш истаги ана шунда пайдо бўлганди.

Сиз уни ҳам танийсиз, ҳам йўқ. Аниқроғи, ана шундай актёр борлигини, унинг кўпгина асарларда катта-кичик сиймоларни талқин этганини биласиз. Аммо ҳаётда ким эканлиги, ҳатто исми шарифини ҳам билмасангиз ажаб эмас.

Санъат соҳаси шунақа: оддийгина телевизион миниатюралар театрини олинг. Ана шу театрнинг бирон шанба кунги томошасидан кейин ҳисоблаб чиқингчи— нечта актёрнинг исмини биларкансиз? Режиссёрлари, тасвирчилари ва яна қанча машаққатли меҳнатлари, ана шу асарларнинг саҳналаштирилишида муҳим саналмиш ижодкорларни-ку қўяверайлик. Хуллас, Ғайбулла Ҳожиев...

У оддийгина қишлоқ боласи. Бухорода катта бўлган. Забардаст санъаткор Олим Хўжаевнинг Ғайбуллога назари тушди. Ўшанда у институтнинг тўртинчи курсида ўқир, Олим ака ўзи саҳналаштираётган «Антигона»га бўйдор йигитлардан излаб билим даргоҳига борганди. Кейинчалик «Гамлет»ни саҳналаштириб, бош ролни Ғайбуллога ўйнатмоқчи ҳам бўлганди. Аммо бу иш амалга ошмай қолди. Устоз оламдан ўтиб кетди...

Ғайбулло ўз ижодини тақдир тақозоси билан «Ёш гвардия» театридан бошлади. Илк бор «Тўй муборак, қари қиз»да куёв ролини ижро этди. Ва ўша ижроси учун 1977 йилги халқлар миллий драматургияси фестивалида иккинчи ўринни олди. Шундан сўнг режиссёрлар унга ишониб каттакичик ролларни топшира бошлашди. У ана шу ишонч учун Убай Бақоев, Пўлат Файзиев, Наби Абдураҳмонов, Рустам Бобохонов, Баҳодир Йўлдошев каби режиссёрлардан ҳамиша миннатдор.

Йиллар ўтиб «Бобур» видеофильмида Ҳасанбекни ўйнади. Истеъдодли режиссёр Мақсуд Юнусов ана шу ролнинг ижросидан кейин Ғайбулло билан ҳамиша ҳамкор. «Алишер Навоий»да Валибек, «Лайли ва Мажнун»да Мажнуннинг отаси ролларини топширди.

Унинг Ҳамза номидаги академик драма театрига ўтганига ҳам жуда кўп вақт бўлгани йўқ. Мана унинг «таржимаи ҳоли», «Соҳибқирон Темур»да Султон Боязид Йилдирим, «Афандининг беш хотини»да Афанди, «Ёрқиной»да Ўлмас Ботиров, «Абулфайзхон»да Ҳакимбек...

— Сиз учун ролнинг қай тонфаси қулай — кулгилисими, фожеавийсими?— сўрайман ундан.

— Умуман, назаримда актёр ҳар қандай ролга тайёр бўлиши керак. Мен ҳам қарама-қарши дунёқараш, характердаги сиймоларни ўйнаганман. Мисол, Ҳакимбек билан Афандини қиёслаб бўлмайди.

— Ҳамза театрининг бугунги аҳволи, ижодий кучларидан тортиб қиёфаси ҳақида гаплашсак.

— Яқинда бир ҳамкасбимиз чарм куртка кийиб олган экан (коммерсант ўғли олиб берган), шошилинч такси тўхтатибди. Йўлда кетатуриб ҳайдовчи нима дер, миш: «Э, сизмидингиз, билганимда олмасдим. Сизда пул нима қилсин, куртканингиздан бирор бойваччами деб ўйлабман... «Хуллас, актёр акамиз (уни ҳамма танийди) минг бир пушаймон билан маконига етиб борибди.

Очиғини айтганда, бизнинг театримизда шундай кишилар (албатта, ижодкорлар) борки, танишлари ёрдамида савдо билан шуғулланса, балким миллиардер ҳам бўлиб кетишлари мумкин. Лекин улар буни маъқул кўрмайдилар. Уларни ҳеч ким мажбурлаб театрга боғлаб қўйгани ҳам йўқ. Уларнинг эътиқоди, ўз касбига, қолаверса, виждонига бўлган меҳр-муҳаббати даъват қилган шунга.

Уни шундоқ ўйнаб бўлмайди. Уни фақат дард билан ўйнаш керак. Ўша дард сизга ҳаёт манбаи ҳам бўлади. У сизга шамчироқ, лаззат чашмаси...

— У ҳалиям ролдаги сўзларин такрорлаётгандек. Ўтирган хонамизга кирган ҳамкасбим биз билан сўрашиш-сўрашмаслигини билмасди. Бу роль Мақсуд Шайхзоданнинг «Мирзо Улуғбек» асаридан. Аввал Наби Раҳимов ўйнаган уни. Айтишларича, ростми-ёлғонми, Бобо Қайфий муаллифнинг ўзига ўхшаб кетаркан—одатлари, юриш-туриши, нчишлари... Сиз ўша буюк шоирнинг ҳам жумбоқ, ҳам ташвиш тўла фожеасидан воқифсиз...

— Театрга қайтсак, Ёқуб ака — (Ё. Аҳмедов — театр директори — Ҳ. Э.) ҳақиқий касб соҳиби. У театр обрўси учун ҳамиша жон куйдиради. Аҳвол шундайки, баъзан саҳна жиҳозларига ҳам пул топиш қийин. Хуллас, шаҳарда қандайдир маънавиятдан узоқлашиш бор. Қандайдир олифтароқ бўлиб кетишяптими дейман-да одамларимиз. Қишлоқларда эса ҳали театрни кўрадиганлар, ишқибозлар кўп, шунга шукур.

— Ҳамкасбларингиздан кимларга «беш» кетгансиз?

— Муҳаммадали Абдуқундузов — зўр актёр. Мурод Ражабовга, Теша Мўминов (у кишини устоз санайман)га, Эркин Комилов, Турғун Азизовларга ҳавас қиламан. Уларга ҳасад қилганларга эса беш кетмайман.

Ғайбулло Ҳожиев Бухоро театрининг етакчи санъаткорлари Азизжон Маҳмудов ва Муҳаммад Рафиқовни, Олим Хўжаев, Саъдихон Табибулаев, Зикир Муҳаммаджоновларни устоз санайди. Режиссёр Марат Азимовдан миннатдор.

Бир қизу бир ўғилнинг отаси. Рафиқаси ҳам санъат соҳасида ишлайди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида пардозловчи рассом бўлиб хизмат қилади. Тақдирида шундай буюк даргоҳда ижод қилиш насиб этганидан бахтиёр ҳисоблайди ўзини, ифтихор қилади.

Дарвоқе, Зикир аканинг Ғ. Ҳожиев ҳақидаги фикрларига ҳам эътибор қилинг-а:

— Ғайбуллонинг ижодини кўпдан кузатиб юраман. Устоз санъаткор Олим Хўжаевнинг бир пайтлар унга назари тушгани бежиз эмас. Жонкуяр йигит. Ижодий изланиш, ўқиш, ўрганишдан чарчамайди. «Амир Темур» спектаклидаги Боязит шоҳ, «Афандининг беш хотини»да Афанди, «Абулфайзхон»даги Ҳакимбек образлари ёш актёримизнинг ижодий имкониятларини кашф этди. У тасодифан актёр бўлиб қолган йигит эмас. Унинг ҳали кўп йирик сиймоларни талқин этишига шубҳа йўқ.

Суҳбатимиз рамазон ойида бўлган эди. У ана шу моҳи шариф ойида «Абулфайзхон»га «жон кирган»и, рамазони шариф арафасида «Ёрқиной»нинг саҳналаштирилгани, ушбу муборак ойда «Меҳробдан чаён»нинг саҳналаштирилишига фотиҳа қилинганини рамзий ҳол деб таъкидлайди. Бу бир катта умидлар, ҳаётбахш руҳ ҳадя этади кишига.

Санъаткор — бугунгиси — бир фидойи жон. Ишқилиб шу фидойилик ўлмасин. Шунда санъат ҳам яшайди.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

• **САНЪАТ**

— Аслини олганда театр санъати катта куч. Аммо бугун ҳар қандай асар катта шов-шув бўлмай қўйди. Менимча, «Абулфайзхон» илгариги замонларда Ҳамза театрида шов-шув бўлган спектакллар билан беллаша оладиган савияда чиққан.

Аслида саҳна санъаткорининг энг муҳим ҳислати нима экан-а?

— Унинг дарди кўп. У олов бўлиб ёнсагина томошабинга тафти, ҳарорати уради. Шунда ролнинг каттакичиги, яхши ёмони бўлмайди. Бобо Қайфийнинг сўзларига эътибор қилинг-а:

«Эй давлатпаноҳ, бу дунёда менинг учун нима ҳам қолди? Аблаҳларнинг бойиганин кўрсам ичаман. Донишмандни ҳақир кўрсам икки ичаман. Қўшни қизни пучуқ кўрсам уч бор ичаман. Камбағалнинг якка-ёлғиз бир бош сигири туққан бузоқ думсиз бўлса — тўрт бор ичаман. Нафсин ўйлаб найранг қурган мана бу каллаварам дарвешлар сизга қарши ғиқ этдими — олти ичаман. Десаларки, Бобо Қайфий ичганинг етти, нима дейман—еттими-а, эй, етти ичаман. Давлатпаноҳ, гуноҳимни Сиз кечсангиз бас...»

Хўп айтингчи, бу кулгили образми ё фожеавийми? Ахир бунда ҳамма нарса бор.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ЎЗБЕКИНТУР» РИИЧБ

қуйидаги қизиқарли сайёҳлик йўналишларини таклиф этади:

1. ТАИЛАНД (Бангкок) — 7 кун.
2. ТАИЛАНД (Бангкок) — (ПАТТАЯ) — 7 кун.
3. ТУРКИЯ (Истамбул) — 7 кун.
4. ТУРКИЯ (Анталия — Ўрта ер денгизи соҳиллари) — 7 кун.
5. ЭРОН (Машҳад) — 5—6—7 кун.
6. ҲИНДИСТОН (Деҳли) — 7 кун.
7. БАА (Шарджа Дубай) — 7 кун.
8. ПОКИСТОН (Карачи) — 7 кун.

Шунингдек Европа мамлакатларига, Қримга (Сочи), МДҲ шаҳарлари — Москва, Санкт-Петербург, Сибирь ва Болтиқбўйи республикалари ва Иссиқкўл бўйидаги дам олиш масканларида дам олишни таклиф этади.

Маълумотлар бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент — 700077, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115. Тел: 67-53-87, факс 67-45-63.

СИЗНИ КУТАМИЗ!

«Прогноз» фирмаси Тошкент шаҳрининг исталган туманида кўчмас мулкларни (квартиралар, ҳовлили уйларни) Сиз, учун ўзингиз олмоқчи бўлган баҳоларда харид этади, қисқа муддатларда ҳужжатларни расмийлаштиради, шунингдек давлат корхоналарини хусусийлаштиришга ёрдам кўрсатади.

1993 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ». 5320 автомашина келишилган нархда (нақд пулга) ёки мавоза усулида сотилади.

Мурожаат учун телефон: 68-56-74, 76-54-12.

Қидирилмоқда

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Уйғур кўчаси, Шарафутдинов тор кўчаси, 28-уйда яшовчи, руҳий касал қидирилмоқда.



Аъзам Маҳамадалиевич НУРМУҲАМЕДОВ

БЕЛГИЛАРИ: миллати ўзбек, бўйи 170—175 см, сочи—қоши қора, қалин, кўзи қора, озғиндан келган, шалпангқулоқ, алоҳида белгилари йўқ.

Аъзам 1994 йилнинг 10 июнь куни уйдан оқ йўл-йўл енги калта кўйлакда, тўқ кулранг шимда, оёғида эски қора рангли «Зико» тапочкасида чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

А. М. Нурмуҳамедовнинг кейинги тақдиридан огоҳ бўлганлардан (мукофот эвазига) қуйидаги телефонлар орқали хабар беришингизни сўраймиз: 02, 42-35-01, 42-90-12 уй телефони.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

ЎҒИРЛИК ОШ БАДАНГА ЮҚМАС

Бекобод станциясида турган вагонларнинг эшиги бузилиб, бирин-кетин ўғирликлар содир бўлаётганлиги Ховос темир йўл ички ишлар бўлими милиция ходимларининг тинчини бузди. Ўғирликни зудлик билан очиш мақсадида тезкор қидирув ҳаракатлари бошланди. Ховос темир йўл ички ишлар бўлимидан — милиция лейтенанти Алишер Бибаев, катта лейтенант Сергей Оланцов ҳамда подполковник Т. Турсунбоевлар гумонга олинган барча шахсларни синчковлик билан текширишди. Бу ишга таллуқли ҳар бир далил атрофлича ўрганилди.

Ўғриликда гумон қилинган А. Қаршибоев, Б. Турсунқулов, Н. Жумаев, А. Мадисаев ва Д. Раҳматуллаевлар Ховос транспорт прокурори, кичик адлия маслаҳатчиси А. Акрамов ҳибсга олиш ҳақида санкция берди. Шундай қилиб, деярли уч ой мобайнида йирик ўғирликлар содир этган уюшган жиноятчилар гуруҳи фош этилди.

Гуруҳ бошлиғи Абдулла Қаршибоев 1963 йилда туғилган, оилали, қамоққа олингунга қадар Бекобод цемент таъмирлаш корхонасида ишчи бўлиб ишлаган. Бахтиёр Турсунқулов 1963 йилда туғилган, оилали, Бекобод цемент таъмирлаш корхонасида ишчи бўлиб ишлаб келган. Неъматулла Жумаев 1964 йилда туғилган, оилали, Бекобод «Ойнан жаҳон»ида оператор бўлиб ишлаган.

Бу уч ҳамтовоқ 1993 йил 8 сентябрда Бекобод станциясида турган поезд вагонларининг эшигини бузиб, пломбаларини узиб, юкларни ўғирлаш мақсадида ўзаро тил бириктирадилар. Кечки соат 20 ларда улар поездларни қабул қилиб олиш саройига келишади. Атрофда ҳеч ким йўқлигига, ҳатто қоровул ҳам кўринмаётганига амин бўлишгач, ишга киришадилар. 3216-сонли поезд таркибида турган «Варна БДЖ» станциясидан «Андижон—1» станциясига жўнатилган 22267462-вагон эшигини бузишади. Ўғрилар ҳар бири 50 килограммдан, умумий нархи 58758 сўм-купонлик 10 қоп гуручни ўмаришади. Ўлжани Б. Турсунқуловнинг уйига олиб келиб, бўлиб оладилар. Тақсимотда Н. Жумаевга 4 қоп, А. Қаршибоев ва Б. Турсунқуловларга 3 қоппан гуруч тегади.

Энди учовлон иккинчи жиноятни амалга оширишга киришади. Пухта режа тузиб, қулай фурсатни кутадилар. 1993 йил 15 ноябрда улар кутган пайт келади. Ўша куни кечқурун кеч соат 21 ларда ўғрилар гуруҳи яна аввалги жиноят содир этган жойга келишади. Худди ўтган сафардагидек, поездларни қабул қилиб олиш паркида инсон зоти кўринмайди. Дарҳол ишга киришишади. 2306-сонли поезд таркибида турган «Қоракўл» станциясидан «Қўқон» станциясига жўнатилган 22374655-сонли вагон эшиги пломбасини бузиб, умумий нархи 33282 сўм-купон 70 тийинлик 11 қоп ун ўғирланади. Даромад аввалгидек Б. Турсунқуловнинг уйига келтирилиб, ўзаро бўлиб олинади.

Ўғрилик ҳадисини олган бу гуруҳ орадан ўн кун ўтказиб, навбатдаги жиноятга қўл уради. Бу сафар улар каттароқ нарсани ўмариш ниятида кеч соат 22 ларда 2064-сонли поездга яқинлашишади. 22043673-сонли вагон эшигини бузиб, хурсандликларини яшира олишмайди.

Уч ҳамтовоқ ҳар бир донаси 151400 сўмлик учта диван-кровать, биттаси 70500 сўмлик 6 та кресло, ҳар бири 17000 сўмдан 4 та журнал столчалари ҳамда нархи 1254400 сўмлик бир қоп фурнитура — эҳтиёт қисмларини ўғирлайди. Умумий нархи 2199600 сўм-купонлик юмшоқ мебелларни яна Б. Турсунқуловнинг уйига олиб бориб, яширишади.

А. Қаршибоев қўлга киритган ўлжадан 1 та диван-кровать, 2 та кресло ва 1 та журнал столчасини ўзига ажратиб олади. Н. Жумаев ҳам худди шу тартибда юмшоқ мебелларга эга бўлади. Уй эгасига эса бўлиш пайтида ортиқча бўлган бир кресло ҳам тегади.

Жиноий гуруҳ кейинги сафар ўзларига шерик ахтаришади. Бунинг учун уларга текин даромад топиш йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган шахслар зарур эди. А. Мадисаев ва Д. Раҳмонқуловлар улар ўйлаган кишилар бўлиб чиқди.

Аҳат Мадисаев 1970 йилда туғилган. Бекобод шаҳридан. Оилали, қамоққа олингунга қадар «Пожат» автокорхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Дилшод Раҳматуллаев ўйланмаган, ҳеч қаерда ишламайди. Бекобод шаҳар Аббосов кўчасидаги 57-уйда яшаб келган.

Сафлари кўпайган бу уюшган жиноий гуруҳ 1993 йил 14 декабрда энг катта ва сўнгги ўғриликни содир этишади. Кеч соат 19 ларда жиноий гуруҳ яна ўша жойдан 2178-юк ташувчи поезднинг таркибида турган 22165542-сонли вагон эшигини очиб, умумий нархи 2387985 сўм 30 тийинлик енгил автомашина шиналарини ўғирлашади.

Ўғирланган 81 дона автошинанинг 48 таси А. Қаршибоев ва А. Мадисаевга тегади.

Кўза ҳар куни эмас, кунида синади! Вақтисоати етиб ўғрилар қўлга олинди. Уларнинг уйларидан топилган далил-ашёлар орасида 81 та автошина, 3 та диван-кровать, 6 та кресло, 4 та журнал столчаси, фурнитура, эҳтиёт қисмлар ва 4 қоп гуруч бор эди.

Бу уюшган жиноий гуруҳ ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойларида поезд вагонларидан умумий нархи 46 миллион 79566 сўм-купонлик молларни ўғирлаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 125-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Б. Рафиев қочиб кетганлиги учун мамлакат бўйлаб қидирув эълон қилинди. Уюшган жиноий гуруҳнинг қолган беш нафар аъзоси жиноятини Бекобод шаҳар халқ суди кўриб чиқди.

Абдумавлон Шодмонов раислигида бўлган судда жиноятчилар устидан ҳукм чиқарилди. А. Қаршибоев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 125-моддаси 4-қисмига асосан 12 йилу 6 ойга, Б. Турсунқулов ва Н. Жумаев 12 йилга, А. Мадисаев 11 йилга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазони қучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташга ҳукм қилинди. Д. Раҳматуллаев эса 10 йилга озодликдан маҳрум этилди молмулки мусодара қилиниб, жазони умумий режим ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташга ҳукм этилди. Шундай қилиб, уюшган жиноят гуруҳи аъзоларига қилмишларига яраша қаттиқ ва одил жазо берилди.

Султонмаҳмуд ЮСУПХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қонунларни мужассамлаш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлимининг прокурори, 2-даражали ҳуқуқшунос.

• *Жаҳон футбол чемпионатида*

ЮТҚАЗГАН ЎЙИНДАН ЧИҚАДИ

Миллионларни ром этиб, «касал»ига чалинтирган футбол чемпионати мана 18 кундирки, одимламоқда. Бу давр мобайнида 24 жамоанинг сараги-саракка, пучагипучакка ажралди. Ўтган шанба кунидан бошлаб курашни давом эттириш имкониятини қўлга киритган 16 жамоа ўртасида нимчорак ўйинлари бошланди.

Маълумки, жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич ўйинларидан кейин олимпиада тизимига хос тартибда, яъни «ютқазган ўйиндан чиқар» маъносида баҳс давом эттирилади. Сўнгги саралаш учрашувида ажойиб ғалабага эришган болгар футболчиларию мухлисларининг қувончини тушуниш мумкин. Аммо, «шайтоннинг сўзига кириб» гиёҳвандликка майл қилган машҳур Марадонанинг ўйиндан четлаштирилиши эса минглаб ашаддий мухлисларни ранжитди. Ажойиб ўйинлар кўрсатиб, курашни давом эттиришга, қолаверса совриндорлар ўринларидан бирига даъвогар бўлишга имконияти етарли Аргентина жамоаси нимчорак баҳслари олдидан қийин аҳволда қолди.

Аргентина ўйинчиларини мағлубиятга учраттан болгар футболчилари эса юртдошлари таъбири билан айтганда жаҳон кубогига даъвогар бўлиб турибдилар. Шу ғалаба содир бўлган куни Болгарияда ўзига хос байрам нишонланди, десак муболаға бўлмас. Бугун Болгария жамоаси Мексика футболчилари билан майдонга тушади. Бу учрашув ғолиби эса 10 июль куни Германия футболчилари билан чорак финал учрашувида куч синашади.

Сирасини айтганда Германия футболчилари ҳам ғолибликкга даъвогарлардан саналади. Нимчорак финалга қийналмай йўлланма олган собиқ чемпионларнинг шашти баланд. Улар Бельгия футболчилари билан учрашувда 3:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Муросасиз баҳс мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Маълумки, чорак финалга чиқиш учун Швейцария ва Испания жамоалари ҳам даъвогар. Улар ўртасидаги учрашувда испанларнинг қўли баланд келди. Испания ўйинчилари дарвозага учта жавобсиз тўп киритишди. Энди улар 9 июль куни чорак финал учрашувида бугун ўтказиладиган Нигерия — Италия жамоалари ғолиби билан майдонга тушадилар.

«А» гуруҳида пешқадамликни қўлга киритган Румния футболчилари Аргентина жамоаси билан баҳслашдилар. Бу учрашувда ҳам дарвозага бешта (3:2) тўп киритилди. Румин футболчилари чорак финалга йўлланма олишди. Мухлислар Саудия Арабистони футболчиларига катта умид боғлашган эди. Биринчи босқич ўйинларида иккита ғалаба билан ўз гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган бу жамоа нимчорак финал учрашувини Швеция футболчилари билан ўтказди. Муросасиз баҳс Швеция жамоаси фойдасига 3:1 ҳисобида ҳал бўлди. Энди Руминия—Швеция жамоалари якшанба куни ўзаро чорак финал учрашувида куч синашадилар.

Кеча Голландия — Ирландия ва Бразилия—АҚШ жамоалари ўртасида нимчорак финал ўйинлари ўтказилди. Умуман жаҳон чемпионати футболни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби С. Эшмуҳамедов АҚШда ўтказилган ФИФА анжуманида иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини расмий равишда топширди. Энди мустақил республикамиз ФИФАнинг ҳақиқий аъзоси сифатида халқаро миқёсдаги учрашувларни ташкил этаверади. «Нефтчи», «Пахтакор» жамоалари Осиё чемпионлари ва кубок ғалалари кубоги учун баҳсларида иштирок этишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўсмирлар терма жамоаси эса Осиё, қолаверса, жаҳон биринчилигини кўзламоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ,
спорт шарҳловчиси.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти раҳбарияти, касаба уюшмаси ва биокимё кафедраси жамоаси биокимё кафедраси мудири, профессор А. А. Аброровга акаси

Аҳмаджон АБРОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

М. Турғунбоева номидаги давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли жамоаси шу ансамблнинг созандаси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Талъат Сайфитдиновга волидан муҳтарамаси

Любатхон ТУРСУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6